

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
РАСМИЙ ТАШРИФ
БИЛАН ТУРКИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг таклифига биноан 29 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Анкара шаҳрида икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

Музокараларда Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлади.

Сиёсий мулоқотни ривожлантириш, товар айирбошлашни ошириш, устувор иқтисодий тармоқларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш ҳамда транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликни

мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, фаол маданий ва гуманитар алмашинувларни давом эттириш масалалари ҳам кўриб чиқилади. Халқаро ва минтақавий кун тартибининг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилади.

Олий даражадаги музокаралар якунида салмоқли ҳужжатлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, икки мамлакат етакчилари қатор қўшма тадбирларда иштирок этадилар.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:
ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН
ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК

29 январь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев расмий ташриф билан Туркияга боради. Ташриф доирасида Анкара шаҳрида Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўртинчи йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.



Бўлажак ташриф сўнгги йилларда нафақат сиёсий мулоқотда, балки оғир синовли давларда ҳам ўзининг мустақамлигини тасдиқлаган Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг юксак даражасини акс эттиради. 2023 йил февраль ойида Туркиянинг Хатай ва Газиантеп вилоятларида содир бўлган вайронкор зилзилада Ўзбекистон биринчилардан бўлиб қардош халққа ёрдам қўлини чўзган эди.

Ўтган йиллар давомида ушбу ҳудудлар кенг қўламли тикланиш босқичини босиб ўтди ва Ўзбекистон Президентининг ташрифи инфратузилма ва ижтимоий ҳаётни қайта тиклаш бўйича саъй-ҳаракатларга алоҳида рағбат берди, қардошлик, стратегик шериклик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш таъминоти асосланган Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг чуқурлигини кўрсатади.

► Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон руҳи

ДУНЁ ЭЪТИБОРИ ВА
ЭЪТИРОФИДАГИ МАСКАН

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам — 2025 йил 29 январь куни Президентимиз Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, 2000 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ишлаб чиқилган илмий-инновацион лойиҳалардан марказ экспозицияларида фойдаланиш юзасидан қатор тавсия ва топшириқлар берган эди.

Бу чин маънода тарихий ташриф бўлди. Ўтган бир йил давомида марказ биноси тўла қуриб битказилди. Марказ фаолиятини такомиллаштириш, контентини бойитиш ишларига 40 дан ортиқ мамлакатдан мутахассислар, дидейнерлар сафарбар этилди.

Давлатимиз раҳбари 2025 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг юксак минбаридан Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази қуриб битказилгани, тез орада фойдаланишга топширилиши ҳақида маълумот берди. Ташкилдош жонки, ўтган давр ичида ички контент янада бойитилди. Марказ жаҳон аҳлининг эътиборидаги бетақдор масканга айланди. Бугун дунёнинг турли нуқталаридан келган олий мартабали меҳмонлар, давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари марказ фаолияти, цивилизациялар, шахслар ва кашфиётларга оид илмий лойиҳалар билан яқиндан танишяпти, бу ҳақиқатни баралла эътироф этиляпти.

► Давоми 3-бетда



Президент ташрифидан сўнг

Осори атиқаларга бой диёримиз сайёҳлик салоҳияти ва имкониятлари борасида дунёда муносиб ўрнига эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Тошкент каби қадимий шаҳарларимизни кўриш, бетақдор меъморий обидалар, табарруқ қадамжоларни зиёрат қилиш, азалий анъана ва қадриятларимиз билан танилиш истагидаги сайёҳлар сафи йилдан йилга ортиб бормоқда. Биргина 2025 йилда сайёҳлар сони 11 миллиондан ошиб, визасиз тартиб жорий этилган давлатлар 94 тага етгани фикримизнинг яққол далили. Тинчлик ва осойишталик, очик, хавфсиз ва қўлай муҳит юртимизнинг халқаро имижини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.

ЯРАТУВЧАНЛИК ЗАВҚИ
ЁХУД ОБОД МАНЗИЛЛАР ҲАҚИДАЭски шаҳарнинг тарихга
уйғун замонавий кўчаси

Туризм кам маблағ билан кўп иш ўрни яратадиган, аҳоли даромади ва ҳудудлар қиёфасини яхшилайдиган соҳа. Тошкент шаҳрида бу борада имкониятлар кўп. Жумладан, Олмазор туманида ушбу салоҳиятни тўлиқ ишга тушириш мақсадида 447 гектар ҳудудни қамраб олган лойиҳа амалга оширилмоқда. Унга кўра, 15 маҳалла-ни ўзаро боғловчи 6 та кўчада туризм ва хизмат кўрсатиш объекти фаолияти барпо этилади.

► Давоми 2-бетда

Бандлик

КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ

БУ ШУНЧАКИ МОДДИЙ ЁРДАМ ЭМАС, БАЛКИ
ДОИМИЙ ДАРОМАДГА ЙЎНАЛТИРИШ ҲАРАКАТИ



Инсонмиз, баъзан тўрт мучамиз соғ, ишимиз ва доимий даромадимиз бўла туриб, нолишга баҳона, сабаб топамиз. Ойлик маошимиз бир оз кечикса, ишимиз одатдагидан кўпайиб, чарчаб қолсак ҳам дарров ўзимизни қийналган ҳис қиламиз. “Демак, ишимиз бор экан, чарчаямиз, шукр”, дейишни унутиб қўямиз. Ваҳоланки, атрофимизда иш излаб юрганлар, меҳнат қилишга иштиёқи бўла туриб, имконияти чекланганлар қанча.

Ҳар гал мақола ёшиш учун шаҳардан ташқарига чиқиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки ишлашга имконияти чекланган одамлар билан суҳбатлашганимда шукр қилиб яшаш қийматини янада яхшироқ ҳис қиламан. Буни менга ўша одамларнинг ҳаётдан розилик ҳисси, уларга берилаётган ёрдамлардан миннатдорлик ва яхшироқ яшашга бўлган интилиши аниқлабди.

Ҳар қандай жамиятда камбағал қатлам мавжуд. Уларнинг базилари ҳаётини синовлар сабаб шу ҳолга тушган бўлса, бошқалари ногиронлиги туфайли кўпроқ даромад топиш имкониятидан маҳрум. Аммо улар ҳам шу жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, мамлакат фуқаролари. Доим таъкидлаб келинган бу жумланинг амалдаги ифодаси эса юртимизда кейинги ўн йилда ўз иббатини топмоқда. Яъни ҳар бир фуқарога берилаётган эътибордан оғир аҳволга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган шахслар ҳам четда қолмапти. Гап фақат уларга берилаётган ижтимоий кўмак, бир марталик ёрдамлар эмас, балки уларни жамиятга қўиш, бошқа фуқаролар каби тенг шароитларда яшаш учун барча имкониятлар ишга солинаётгани ҳақида борапти. Қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқишга, ишга йўналтириляпти, бандлиги таъминланяпти. Бу давлатимиз ўз олдида қўйган асосий вазифа — камбағалликка бутунлай барҳам бериш ҳаракатларининг бир қисмидир.

► Давоми 4-бетда

Юксалиш палласи

АЛПЛИК ҚУВВАТИЮ
МУЗАФФАР ТИЙНАТ

КАТТА ЎЗАНГА ҚЎШИЛАЁТГАН
ФУТБОЛИМИЗНИНГ
ТУРКИЙ ҚИЁФАСИ

2026 йил 29 январь, 19-сон



Бошланиши 1-бетда

2023 йил февраль ойида Туркия замонавий тарихидаги энг оғир фожиалардан бирига дуч келди. Мамлакатнинг Жануби-шарқий ҳудудларига таъсир кўрсатган кучли зилзилада кўплаб инсонлар қурбон бўлди, турар жой маъзелари, ижтимоий инфратузилма объеклари ва sanoat зоналари вайро-нага айланди.

Хатай ва Газиапет вилоятлари табиий офат марказида бўлган. Минглаб оила-лар бошпанасидан айрилди, ўн минглаб одамлар ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Халқаро ҳамжамият фожиага муносабат билдирди. Ўзбекистон ҳам биринчилардан бўлиб амалий ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистон ушбу мураккаб паллада туркий дунё учун қардош мамлакат ва Туркиянинг ишончли стратегик шериги сифатида майдонга чиқди. Қисқа вақт ичида жабрланган ҳудудларга Ўзбекистон фақуллода вази-ятлар вазириликнинг замонавий кутқарув техникалари билан жиҳозланган махсус бў-линмалари юборилди. Ўзбекистонлик кутқа-рувчилар ва тиббиёт бригадалари қидирув-кутқарув операцияларида, жабрланганларга

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқтисодий шериклик барқарор ўсиш ва диверсификацияни намоён этмоқда. Туркия Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК



ўрнатилган бўлиб, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. Ушандан буён Ўзбекистон — Туркия муносабатлари сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маданий соҳаларни қамраб олган ҳолда изчил ривожланиб бормоқда.

2017 йил октябрь ойида Анқара шаҳрида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги

ҳамкорлиқни стратегик шериклик даражасига олиб чиқувчи Қўшма баёнот имзолангани икки томонлама мулоқотни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. 2018 йил май ойида Тошкентда яна бир Қўшма баёнот имзоланиб, унинг асосида икки мамлакат Президентлари расмий равишда Ўзбекистон — Туркия стратегик ҳамкорлик кенгаши тузилди. Ушбу механизм

асосий йўналишлар бўйича ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун муҳим институционал платформага айланди. Кенга-шнинг биринчи йиғилиши 2020 йил февраль ойида Анқара шаҳрида, иккинчиси 2022 йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди, унинг якунлари бўйича муносабатлар кенг қамровли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Кенгашнинг учинчи йиғилиши 2024 йил июнь ойида Анқара шаҳрида бўлиб ўтди ҳамда сиёсий мулоқотнинг барқарорли-ги ва динамикасини тасдиқлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти беш марта Туркияга ташриф буюрди, Туркия Президенти эса бир неча бор Ўзе-бекистонга келди, бу олий даражадаги муло-қотлар юқори суратда ўтаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Туркия сиёсий мулоқотни кенгайтириш, иқтисодий интеграция, транс-порт боғлиқлигини ривожлантириш ва умумий туркий маданий меросни асраб-авайлаш тарафлари бўлган Туркий давлатлар ташки-лоти доирасидаги ҳамкорлик икки томонлама муносабатларда алоҳида ўрин тутати. Шу маънода, парламентлараро алоқалар, жум-ладан, парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаолияти, қонун чиқарувчи органлар раҳбар-лари ўртасидаги мунтазам мулоқотлар ҳам фаол ривожланимоқда.

Шу билан бирга, ташқи ишлар вазири-ликлари ўртасидаги ҳамкорлик фаоллашди. Сиёсий маслаҳатлашувларнинг 13 раунди ўтказилди, уларнинг охириги 2025 йил июнь ойида Анқарада бўлиб ўтди. Ўзе-бекистон томони Туркиядаги йирик халқаро дипломатик тадбирларда, жумладан, минта-қавий ва глобал кун тартибиди муҳомада қи-лиш учун муҳим майдонга айланган Анадолу дипломатик форумида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги иқти-содий шериклик барқарор ўсиш ва дивер-сификацияни намоён этмоқда. Туркия

Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. 2023 йилда Им-тиёзли савдо тўғрисидаги битим имзоланиб, икки мамлакат бизнеси учун қўшимча имко-ниятлар очилди. 2025 йил якунлари бўйича ўзаро савдо ҳажми қарийб 3 миллиард дол-ларни ташкил этди. Инвестиция соҳасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга, sanoat, қурилиш, энергетика, тўқима-чилик ва инфратузилма лойиҳаларига катта миқдорда инвестициялар йўналтирилмоқда. Транспорт йўдалари фаол ривожланимоқ-да, темир йўл, автомобил ва авиақатнов-лар кўпаймоқда, мамлакатлар ўртасидаги мунтазам авиақатновлар ҳафта-сига қарийб 100 тага етди.

Тарихий илдишлар, тил, анъана ва маъ-навий мерос муштараклигига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга. Туркияда ўзбек адабиёти ва маданиятининг буюк намояндлари мероси-га катта ҳурмат билан қаралади. Анқарада Алишер Навоий ҳайкалининг очилиши, Абу Райҳон Беруний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва бошқа улўғ мутафаккирларга бағишланган халқаро илмий анжуманларнинг ўтказилиши ана шу эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди. Ташлим форумлари, ректорлар учрашувлари, маданият фестиваллари, фан ва санъат соҳа-сида қўшма лойиҳалар мунтазам ўтказиб ке-линмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёе-внинг Анқарага бўлажак ташрифи Ўзе-бекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини чуқурлашти-ришнинг давомини, шунингдек, жабр қўрган минтақалар билан бирдамликнинг мантиқий ишорасидир. У икки қардош халқнинг оғир дамларда бир-бирини қўллаб-қувватлашга, туркий дунёнинг ўзаро ишончи, ҳурмати ва муштарак қадриятларига асосланган кела-жагини биргаликда қуришга тайёрлигини намоён этади.

“Дунё” АА

Бошланиши 1-бетда

Мазкур лойиҳанинг бир қисми — Зар-қайнар кўчасида бажарилган бунёдкорлик ишлари маҳалла руҳини ўзида мужассам этиб, сокин ва файзли гўшага айлантирган. Республикаимиз буюдхидан ажратилган 150 миллиард сўм ҳисобига бу ердаги 576 та хонадон миллий кўринишда ташмирланиб, маҳалла тарихий муҳитга уйғун қиёфа касб этди. Асрлар давомида шаклланган миллий меъморий анъаналари ва ҳунармандлик руҳи бугун маҳаллага янгича кўрк ва мазмун бағишланмоқда. Лойсуюк уйлар, нақшинкор дарвозалар, баланд айвонлар, ёғоч устун-ларга ўйиб ишланган нозик нақшлар табиий муҳитга ўзига хос фаз ёз берапти. Хунарманд-ларнинг қўл меҳнати махсули бўлган, нозик дид билан яратилган намуналар ташриф бую-рувчиларни бефарқ қолдирмайди.



Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Давлатимиз раҳбари янгиланган кўча бўйлаб юрар экан, миллий меъморий услуб-да ташмирланган хонадонлар, аҳоли учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Шу ерда истиқомат қилаётган оилалар, сайёҳлар, хунармандлар билан самимий суҳбатлашди.

— Биз сайёҳлар учун шароит яратишни истаимиз, лекин бунинг асосини ҳам тўғри йўлга қўйишимиз керак. Масалан, хунар-мандлик — миллийлигимизни ифодалайди-ган асосий йўналишлардан бири. Шу боис, хунармандлар махсулот ишлаб чиқариши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг вазифамиз. Малакали кадрлар тайёрлаш зарур. Шу мақсадда хунармандлар университетини ташкил этиш мақсадга му-вофиқ. Биз тадбиркорлар билан учрашялмиз, эндиликда хунармандлар билан ҳам алоҳида учрашувлар ташкил этамиз, — деди Президенти.

Юртимизда туризмни драйвер сифатида барқарор ривожлантириш, туристик кластер-лар ташкил этиш, уни сердармоват соҳага ай-лантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса янги иш ўринларини яратиш, инфратузил-мани тақомиллаштириш, маданий мерос объ-ектларини сақлаш, туризм оқимини кўпайти-риш ва иқтисодий тараққиётга хизмат қўлайди. Кейинги беш йилда сайёҳлар оқимини 2 қарра ошириб, 20 миллионга етказиш режа қилинган. Бунда, албатта, йўлга қўйилаётган янги туризм лойиҳалари муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай ноёб лойиҳалардан бири бўлган Зарқайнар туризм кўчасида сайёҳлар учун қўлай хизматлар йўлга қўйилган. Тари-хий-маданий салоҳиятга эга бу ҳудудда юз нафар тадбиркор томонидан 166 миллиард сўм инвестиция киритилгани натижа-сида 7 та меҳмонхона, 8 та ресторан, 5 та ху-нармандлик маркази, 1 та савдо маркази, 125 та хизмат кўрсатиш объекти ташкил этил-ди, 1500 киши доимий иш билан таъминланди.

Тошкентнинг эски шаҳар қисмида жой-лашган, тарихий ва маънавий қийматга эга бу манзилни туризм кўчасига айлантириш-дан мақсад аҳоли бандлигини таъминлаш, хунармандлик, хизмат кўрсатиш соҳала-рини ривожлантириш, миллий қадрият-ларимизни асраш баробарида сайёҳлик имкониятларимизни яна бир бор дунёга на-мойиш этишдир.



Президент ташрифидан сўнг

— Совгабоп буюмларимиз, сўзана, па-лаклар, ёстиқ жилдлари, дастурхон, парда, аёллар кийимлари, кашталар, чопон, сумка, ипак матоларга тикилган нақшинкор ҳамён-ларга сайёҳларнинг қизиқиши катта, — дей-ди каштадўз хунарманд, “Шуҳрат” медали соҳиби Насибхон Исоқова. — Ушбу туризм кўчаси фаолиятимизни янада кенгайтири-шимизда кўмак бўлди. Шу ерда уста-хунар-манд маркази ва дўкон очиди. Президентимиз ташрифидан бошимиз кўкка етди. Айниқса, хунармандликка берилаётган эътибор ва имкониятлардан хурсандман. Илгари хунар-манднинг дўкони бўлмаган. Устахонам, мах-сулотим бренди билан дўкон очиб, савдосини йўлга қўйишни орзу қилганман. Бугун ана шу оғуш ушладди. Келажақда бу ишни да-вом эттириб, ҳудуддаги ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминламоқчиман. Шу орқали юртимиздаги ишсизлар сонини камайтириш-га, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга ўз ҳис-самни қўшмоқчиман. Шунингдек, миллий каштачилик буюмлари билан дунё бўйлаб ўтаётган миллий хунармандлик кўргазмала-ри, танлов ва фестивалларда фаол иштирок этиб, ўзбекистонлик хунарманд аёлларнинг

яратилган. Тадбиркорлар Элнора Ибрагимо-ва, Александра Романова ва Наталья Пўлато-ванинг концепциялари жамият тараққиётида ўзбек аёлининг ўрни ва ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилади.

— Ўзбек аёли азалдан меҳнаткаш бўл-ган, — дейди тадбиркор Элнора Ибрагимо-ва. — Экспонатлар томошабинни оливайи ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга ундайди. У ёш авлод, айниқса, қизлар учун илҳом манбаи бўлиб, ўз салоҳиятини англаши, ўзлигини ва жамият ҳаётида муносиб ўрин топишига хизмат қилади. Музей ва галерея юртимиз расмоларининг кўргазмаларини ўтказишни режалаштирмоқда. Миллий ма-даният ва маънавий қиёфани намоён этувчи бу майдон аҳолининг дунёқароши, тарихий хотираси, замонавий тафаккури ва эстетик диди юксалиши, янги ижодкорларнинг кашф этилишига хизмат қилади.

Мутасаддиларга туризм ва хизмат кўрса-тиш соҳаларидаги ишларни янада тақомил-лаштириш, маҳаллалардаги тарихий муҳитни асраб-авайлаган ҳолда иқтисодий фаоллиқни ошириш, энг муҳими, одамлар манфаатига

Келгусида ҳудудда таълим-инновация, туризм ва савдо, маданий мерос, бизнес ҳамда АТ хизматларни қамраб олган “ри-вожланиш коридорлари” шакллантирили-ши кўзда тутилаётди. Эски шаҳар атрофида Талабалар шаҳарчаси, университет ва тех-нопарклар, соғлиқни сақлаш объектилари, шунингдек, Ўзбекистондаги ислом цивили-зацияси маркази, Ҳазрати Имом маж-муаси, Чорсу ва тарихий шаҳар марказини ўз ичига олган туризм йўналишлари ўзаро



Ҳажми йўлдошев олган суратлар.

ЯРАТУВЧАНЛИК ЗАВҚИ ЁХУД ОБОД МАНЗИЛЛАР ҲАҚИДА

кенг имкониятларини халқаро анжуманларда оммага кўрсатиш, тарғиб этиш ва ривожлан-тиришга кўмаклашиш нияти бор.

Зарқайнар туризм кўчасида аёллар музе-ини, дизайн ва кулоллик устахоналари, гале-рея, дўкон ва қаҳвахонадан иборат экотизим

хизмат қиладиган барқарор тизимни шакл-лантириш бўйича аниқ топшириқлар берил-ди. Шу ерда давлатимиз раҳбарига “Олмазор” инновацион ўсиш ҳудудини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган мастер-режа тақди-мот қилинди.



боғланади. Шу билан бирга, ишбилармон-лик фисилари, АТ парк ва бизнес марказ-ларини ривожлантириш кўзда тутилган. Та-рихий меросни сақлаган ҳолда замонавий инфратузилмани ривожлантириш, ҳудуд-нинг иқтисодий салоҳияти ва шаҳар муҳи-тини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсад қилинган.

Тиббиётда хусусий сектор иштироки ортмоқда

Сўнгги йилларда тиббиётда хусусий сектор кўлами кенгайиб, нодавлат тиббиёт муассасалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бора-сида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳада хусусий сектор салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва клиникалар учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга эътибор қаратиляпти.

Натижада 2017 йилда хусусий шифохона-лар сони қарийб 3,5 мингтани ташкил этган бўлса, бугунга келиб 9 мингдан ошди. Юрти-мизда кўрсатилаётган барча турдаги тиббий хизматларда ушбу секторнинг улуши кейинги йилларда 10 фоиздан 30 фоизга етди. Бир ма-ҳаллар эски ва таъмирталба бинолар ўрнида

— Тиббиётнинг деярли барча йўналиш-лари қамраб олинган, — дейди “Sinomed” клиникаси директори Камолхўжа Ёшнар-лини. — Марказий Осиёда ягона бўлган, республикадаги энг катта хусусий вакци-нация, хусусий сектордаги ягона стерили-зация марказлари ҳам ташкил этилган. Болалар неврологияси, болалар кўз касал-ликлари, гинекология, аллергология бў-лимлари ҳам туну кун аҳоли хизматида. Клиникада диагностика ҳамда стационар бўлимлар мавжуд. Диагностика бўлимида оддий лаборатория текширувларидан тор-тиб, ультратовуш, лапароскопия, компь-ютер томографияси, рентген, радиологик, ангиограф текширувгача олиб борилади. Клиникамизда 40 та амбулатор қабулхонаси бор, бу эътиборга молик рақам. Унда ҳамма йўналишлар бўйича тор соҳа мутахассисла-ри ишламоқда. Жаҳон андозалари даража-сида жиҳозланган стационар бўлим учун 95 та ўрин ажратилган. Бу ерда нафақат маҳаллий, балки хориждан келатган бе-морлар учун юқори сифатли хизмат кўрса-та оладиган муҳит яратилган.

Марказ йилга тўрт ярим минг беморни қабул қилиш қувватига эга. Бу ерда 300 дан зиёд иш ўрни яратилган бўлиб, 80 дан ор-тиқ шифокор фаолият юритмоқда. Улардан

замонавий диагностика ва даволаш асбоб-ус-куналари билан жиҳозланган тиббиёт муас-сасалари қад ростламоқда. Бу эса аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, касаллик-ларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даво-лаш имконини берапти. Шулардан бири Ол-мазор туманида қад ростлаган “Sinomed” кўп тармоқли тиббиёт марказидир.

Тиббиёт марказида туғуруқ, педиатрия, реанимация, хирургия, онкология, эндокри-нология каби қатор долзарб йўналишларда фаолият йўлга қўйилган. Буюк Британия, Италия, Япония ва Германиядан олиб келин-ган замонавий тиббий асбоб-ускуналар диаг-ностика самарадорлигини ошириб, касал-ликлари эрта босқичда аниқлаш ва даволаш имконини бермоқда.

60 нафари хорижда, хусусан, Жанубий Корея, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Япония, АҚШ каби давлатларда малака оширган.

— Кундузги стационарда 20 та ўрин яра-тилгани беморларга кундузи келиб барча муолажаларни олиши, кечки соатларда он-ласи, яқинлари ёнида бўлишига имкон бер-моқда, — дейди Камолхўжа Ёшназаров. — Операция залларида кичик операциялардан тортиб, энг мураккаб жарроҳлик амалиётла-ригача ўтказилади. Бунинг учун салоҳияти-миз етарли.

Марказ таркибида Тошкент шаҳрида би-ринчи хусусий туғуруқ мажмуаси ишта ту-ширилган бўлиб, бир вақтинг ўзида 30 аёлга хизмат кўрса-та олади. Тахлиллар туну кун ишлаётган бўлимга эҳтиёж борлигини кўр-сатяпти. Келгусида ўринлар сонини янада кўпайтириш режалаштирилган.

Клиникада вакцинация маркази мавжуд. Бу янги тутилган чақалоқларни шу ерда эм-лаш, профилактика қўриқдан ўтказиш им-кониятини ҳам бермоқда. Бу оналик ва бо-лаликни муҳофаза қилиш, соғлом миллат генофондини асраш каби эзгу мақсадларни ўзида мужассам этаётгани билан аҳамиятли.

— Фарзандимни шу клиникада дунёга келтирдим, — дейди Азиза Ниёзова. — Бо-шида янги очилган клиника экан, шароитла-ри қай даражада, шифокорлар малакасини деган ҳадик бор эди. Иккиланганим бекор экан. Дунёнинг энг машҳур клиникалари каби она ва бола учун барча шароит яратил-ган. Шифокорлар масъулиятли, эътиборли. Айниқса, болам шу ернинг ўзида эмланаётта-ни, шифокорлар кўриги ва назоратида бўли-ши қўлайликлардан биридир.

Ҳомилдорлик давридан туғуруққача, туғуруқ ва ундан кейинги давр учун кўрса-тиладиган комплекс хизматлардан бугун ҳар бир аёл мамнун. Зеро, хавфсиз ва асоратсиз тиббий жараён кейинчалик оналар саломат-лиги, болаларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият-га эга. Замонавий жиҳозлар, қўлай шароит ва индивидуал ёндашув онанинг стрессдан холи, фарзанднинг эса шифокорлар назорати-да асоратсиз дунёга келишини таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари кўрсатилаётган хиз-матлар, беморлар, айниқса, оналик ва бола-лик йўналишида яратилган шарт-шароит бил-лан танишиш чоғида туғуруққача кузатув энг муҳим масалалардан бири эканини, биринчи фарзандни дунёга келтириш она учун стресс бўлмаслиги кераклигини айтди. Шунга қадар аёл мунтазам кузатувда бўлса, вақтида да-воланиб бурса, унда ўзини авайлаш, соғлом оналик, соғлом болалик бора-сида тушунча пайдо бўлишини таъкидлади.

Хусусий тиббиёт ривожланиятти. Бу давлат муассасаларига тушадиган юкларамни камай-тириб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги рақобат-ни кучайтиради. Натижада хизмат сифати ошиши, янги технология ва илгор усуллар-нинг жорий этилишига замин яратилади.

Замонавий бошқарув, динамик страте-гияни белгилаш, дунёнинг илгор клиника-ларида малака оширган тиббиёт ҳодимлари, хорижий мутахассисларнинг доимий фао-лияти, тизимли малака ошириш курслари, халқаро ҳамкорлик, ордер асосида ва им-тиёзли даволаш — буларнинг барчаси аҳо-лига юқори даражада сифатли ва хавфсиз тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бунинг учун зарур барча шароитлар яратилляпти. Президентимиз қўй-ган мақсадлар босқичма-босқич рўёбга чиқ-моқда. Соҳада инсон қадри олий қадриятга айланган. Замонавий юқори технологияли ташхис ва даволаш усулларини кенг жорий этиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўр-сатиш кўламини кенгайтириш, соҳани халқ-ка янада яқинлаштириш, малакали тиббий хизматни хонадонларгача олиб кириш бош мезон сифатида белгиланган. Бунда хусусий клиникаларнинг ўрни алоҳида. Мухими, со-ҳадаги бу янгиланишлар энг чекка ҳудудлар-гача етиб бораётгани “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойилнинг амалдаги ифодаси, инсоннинг энг олий қадрият сифатидаги эътифори демакдир.



Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,
Ўзбекистондаги
ислом цивилизацияси
маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда дунё чуқур цивилизацияон ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Технологик тараққиёт ахлокий англашдан илгариллаб кетмоқда, глобал инқирозлар эса — геосиёсий тўқнашувлардан тортиб, маданий ўзлики йўқотишгача — инсониятнинг мулоқотга қодирлиги масаласини тобора кўпроқ кун тартибига қўймоқда. Дин кўп ҳолларда можаролар воситасига, маданият эса бўлиниш чизигига айланаётган бар пайтда цивилизацияон мулоқотга унинг асл, яратувчан моҳиятини қайтаришга қодир бўлган янги платформаларга эҳтиёж кескин ортиб бормоқда.

Ана шундай тарихий паллада Евроосиёнинг қоқ марказида — буюк цивилизациялар ва салтанатлар вужудга келган, минг йиллар давомида савдо йўллари, динлар, илмий мактаблар ва маданиятлар туташган заминда янги турдаги ноёб макон — Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази дунёга келди. Унинг барпо этилиши тасодиף эмас ва қандайдир популистик лойиҳа махсули ҳам эмас. Бу Ўзбекистон Президентининг стратегик дунёқарашининг бевосита ифодасидир.

Президентимиз 2017 йилда БМТ минбаридан жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, ислом цивилизациясининг жаҳон тарихидаги асл ўрнини тиклашга, шунингдек, муқаддас ислом дини асосида маърифат, илм-фан ва инсонпарварлик қадриятлари ётганини, экстремизм ва жаҳоллатни фақат билим ва маданият кучи билангина енгиш мумкинлигини эслатган эди.

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш қурилаган Ислом цивилизацияси марказига ташриф чоғида ушбу йўналишга юқори баҳо бериб: “Президентингиз Шавкат Мирзиёев — буюк ва нуфузли раҳбар, у БМТнинг олий минбаридан мулоқот, маърифат ва ўзаро ҳурмат ғояларини изчил илгари сурмоқда”, деган эди. Бу сўзлар жаҳон ҳамжамияти аллақачон англаб етган ҳақиқатни акс эттиради: Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон тарихининг чеккасида қолган ҳудуд эмас, балки унинг фаол бунёдкорларидан бирига айланди.

Ўз навбатида, Президентимизнинг БМТ минбаридан қилган мурожаати марказ учун нафақат улкан меъморий иншоот, балки жаҳон миқёсидаги мутлақо янги гуманитар модель сифатида интеллектуал ва илмий пойдевор бўлиб хизмат қилди. Бу модель доирасида ислом буюк цивилизациялар тарихи орқали намоён бўлади: айнан шу цивилизациялар бағрида илмий инқилоблар юз берган, университетлар ва академиялар, кутубхоналар ва лабораториялар барпо этилган, тиббиёт ва фалсафа, санъат ва илмий изланишнинг асослари қўйилган, замонавий дунё интеллектуал негузи шакллانган.

Ўзбекистон Президентининг шахсий сиёсий иродаси, стратегик қарашлари ва изчил етакчилиги туфайли Ислом цивилизацияси

Дунё эътибори ва эътирофидаги маскан



марказини барпо этиш ғояси ҳақиқатан ҳам кўлами, мазмун-моҳияти кенглиги ва халқаро аҳамияти жиҳатидан мисли кўрилмаган форматда амалга оширилди. Янги давр талабларидаги музей, илгор илмий-тадқиқот инфратузилмаси, энг замонавий кутубхона, Марказий Осиё цивилизациялари ривожини қамраб олган миллий ва халқаро архив тизими, рақамли гуманитар технологиялар ҳамда глобал илмий-маданий ҳамкорлиқнинг кенг тармоқларини бирлаштирган ноёб цивилизацияон мажмуа яратилди.

Ушбу лойиҳага Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ҳам юксак баҳо бериб, бундай деган: “Бу улкан ва ноёб иншоотдир. Дарҳақиқат, бу — илмий, туристик ва этномаданий лойиҳа. Ўзбекистон Президентининг фикрига қўшиламан:

Ислом цивилизацияси маркази бу ерда, Тошкентда, жуда муҳим соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун умумий майдонга айланиши мумкин”.

Жаҳон экспертлари таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази оддий инфратузилмавий объект ёки маданий сиебатнинг рамзий ифодаси эмас. Бу — Ўзбекистон етакчисининг замонавий глобал қаҳриқларга онли цивилизацияон жавоби. Бу — ислом олами тарихида илк бор шундай улкан кўламда, цивилизациялар ўртасидаги ҳақиқий мулоқот учун глобал ва доимий амал қилувчи платформа сифатида яратилган лойиҳа.

Аслида, Ўзбекистон тарихида илк бор ўз зиммасига тарихий ва маънавий миссияни олди — ислом дини ва ислом цивилизацияси тушунчасининг қиёфасини бузиб талқин

этишга аънавий сафсата ва халқаро форумлар ҳамда конференциялардаги баёнотлар билан эмас, балки жаҳон аҳамиятига эга бўлган ҳақиқий, амал қилувчи интеллектуал маконни яратиш орқали қарши туришга бел боғлади.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев бу маънони аниқ ифода этиб, бундай таъкидлади: “Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан барпо этилган Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюриб, биз яна бир бор мамлакат раҳбариятининг ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий қадриятларини асраш ва тарғиб этишга чуқур садоқатини кўрдик. Айрим мамлакатларда динимизга нисбатан ҳужумлар кучаяётган, исломофобия эса тизимли тус олаётган бир шароитда Ислом цивилизацияси марказининг очилиши алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу марказ бутун дунёга ислом бунёдкорлик, гуманизм, бағрикенглик, дўстлик ва биродарлик дини эканини яққол намоён қилади”.

Экспертлар ва сиесатчилар бир овоздан таъкидламоқдаки, мазкур лойиҳа радикализмга ва ислом қиёфасини бузиб кўрсатишга қарши гуманитар ҳимоя — куч билан эмас, билим билан яратилган қалқонга айланди.

Марказ фаолияти учун маданий меросни қайтариш жараёни алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Президенти топишригига биноан махсус давлат ва дипломатик механизмлар яратилди, бу эса марказга дунёдаги энг йирик аукцион уйлари — Sotheby’s, Christie’s, Bonhams, шунингдек, етакчи музей тузиламалари ва хусусий коллекционерлар билан тизимли ҳамкорлиқни йўлга қўйиш имконини берди. Натижада мамлакатимизга тахминан икки мингта яқин ноёб артефакт қайтарилди. Улар орасида Ибн Сино кўлемлари,

Беруний асарлари, Темурийлар даври миннаторлари, ислом санъати дурдоналари ва ўн йиллар, ҳатто асрлар давомида ватанимиз ҳудудидан ташқаридида сақланиб келган бошқа беқиёс ёдгорликлар бор.

Бу марказнинг улкан музей экспозицияларини бойитишгана эмас, балки Марказий Осиёнинг цивилизацияон хотирасини қайтариш ва тарихий адолатни тиклашнинг ҳақиқий амалиётдаги ифодасидир.

Шу нуктаи назардан, Парагвай Республикаси Президенти Сантьяго Пенья марказ экспозициялари билан танишар экан, ўз ҳайратини яширмади: “Ислом цивилизацияси маркази экспозициялари билан танишув менда жуда кучли таассурот қолдирди. Инсоният цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган кўплай илмий ва маданий ютуқлар айнан шу заминда илк бор вужудга келган. Афсуски, дунёда ҳамма ҳам алгебра, тиббиёт ва бошқа фанлар соҳасидаги илк фундаментал асарлар айнан шу ерда пайдо бўлганини билмайди. Бу ташриф мени илҳомлантирди ва Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга эканига ишончимни мустаҳкамлади. Ўзбекистон тарихи ҳақиқатан ҳам ноёбдир”.

Бу сўзлар янги Ўзбекистон сиесати туфайли мамлакат яна бир бор жаҳон билан ўзининг ҳақиқий тарихи тилида сўзлаша бошлаганининг эътирофидир.

Экспертлар ва сиесий етакчилар фикрича, Ўзбекистон Президенти фақат ўтмишни тиклаш ва бугунни англаш билан чекланмай, келажакни изчил ва мақсадли равишда шакллантирмоқда. Шу боис, Ислом цивилизацияси маркази аввал бошдан динамик ривожланувчи тизим — халқаро илмий платформа, медиамайдон, наشريёт ва таълим маркази сифатида вужудга келди. Бу ерда ислом-шунингнинг янги авлоди, илгор музей



технологиялари ва замонавий маданий дипломатиянинг янги йўналишлари шаклланоқда.

Финляндия Республикаси Президенти Александр Стубб марказга ташрифидан сўнг бундай деди: “Ростини айтсам, мен бу ерда ҳақиқатан ҳам мисли кўрилмаган таассуротлар гирдобига қолдим. Ҳар бир экспозиция, ҳар бир зал, ҳар бир тафсилот чуқур ва пухта ўйланган. Ҳар минг йиллик тарихни бугунги авлодга шунчалик замонавий, таъсирчан ва ишонarli форматда етказиш юксак даражадаги санъат ва катта маҳоратни талаб қилади. Ушбу марказ нафақат ўтган асрлар меросини қайта тирилтирди ва қайта англади, балки келажак авлодлар учун илҳом манбаига айланди. Аиникса, интерактив экспозициялар ва инновацион технологиялар жуда таъсирли — улар ёшларни ростдан ҳам ўзига тортади. Бу ерда тарихни ўқимайдилар — уни ҳис қиладилар. Яратилган муҳитда бепарво қолиш ёки зерикшининг илоҳи йўқ. Ҳар бир саҳна, ҳар бир ёруғлик акценти, ҳар бир тафсилот ўз маъносини ва бадийи маънигага эга. Мен бу марказни самимий миннатдорлик, чуқур ҳурмат ва ҳайрат тўғриси билан тарк этайман”.

Бугун Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази замонавий дунё учун босқичма-босқич шаклланиб бораётган интеллектуал марказ сифатида намоён бўлмоқда. Турли тарихий даврларда Бағдоддаги Байт ул-ҳикма, Хоразм Маъмур академияси ва Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси қандай аҳамият касб этган бўлса, марказ ҳам бугунги кунда шундай маконга айланмоқда — у фақатгина илм сақланган ва тўпланган жой эмас, балки цивилизациялар интеллектуал ва маънавий тараққиёти йўналишини белгиллаб берган муҳитни етказувчи манзилдир.

Бироқ ҳозирги тарихий даврда марказ фаолияти юксак ва улутвор вазибаларни қамраб олган. Агар илгари бундай илмий марказлар ўз даври ва маданияти доирасида таркиб топиб, ғоялар асрлар давомида кўлемларлар, таржималар ва авлодлар орқали секин тарқалган бўлса, бугун Ислом цивилизацияси маркази Президентимиз томонидан илк кунданок очик, глобал таълимий ва маданий-гуманитар мегаплатформа сифатида шакллантиришга мўлжалланган.

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази ХХI асрга хос янги турдаги цивилизацияон институтдир. Бу ерда тарихий билим рақамли технологиялар билан уйғунлашади, кўлемга глобал рақамли манбага айланади, музей илмий лаборатория тусини олади, миллий мерос эса халқаро мулоқот, ўзаро англашув ва бунёдкорлиқнинг умуминсоний мезонига айланади.

Ушбу мақолани Сербия Республикаси Президенти Александар Вучичнинг сўзлари билан якунлаш ўринли: “Мен бунга ўхшаш марказни аввал ҳеч қаерда кўрмаганман. Ислом цивилизацияси маркази ниятда замонавий ва гўзал услубда қурилган ва яратилган. Бугун мен жуда кўп нарсани ўргандим ва албатта бу ерга яна қайтаман. Сербиялик барча ватандошларимга бундай деган бўлардим: “Азизларим, мен жуда катта хато қилганман, чунки бу мамлакатга илгари ҳеч қачон келмаганман. Илтимос, ичмон қадар тезроқ Ўзбекистонни кўриш учун келинглар”.

Бугуннинг гапи

Жамила БОБОНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг янгиланган тахрири бу — халқимиз келажига учун очик мулоқотдир. Дастурий ҳужжатнинг такомиллаштирилган лойиҳаси келгуси беш йилга мўлжалланган ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган. Эътиборли жиҳати шундаки, унда кейинги йилларда эришилган натижалар чуқур таҳлил қилинган ҳолда келгуси беш йилда мамлакат қайси йўлдан бориши аниқ белгиланмоқда.

Бу жараён Президентимизнинг Олий Мажлис ва юртдошларимизга Мурожаатномасида белгиланган вазибаларга мувофиқ равишда давлат сиесатини реал ижтимоий-иқтисодий шароит, глобал қаҳриқлар ҳамда аҳоли эҳтиёжлари билан уйғунлаштиришга

ЎЗБЕКИСТОН 2030

ҚАРАТИЛГАН УМУММИЛЛИЙ ДАСТУР

36,7 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб 41 миллионга етиши прогно қилинмоқда. Бу эса таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат бозори, уй-жой ва ижтимоий инфратузилмага талаб ортиб боради демекдир. Шу нуктаи назардан, ҳар бир стратегик мақсад аҳоли ўсиши ва унинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгиланмоқда.

Бундан ташқари, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар тенденциялар, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши давлат сиебатини юритишда янги ёндашувларни талаб этмоқда. Аҳоли эҳтиёжлари ўзгариб бораётгани ҳам стратегик режалаштиришни замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиши тақозо этди.

Такомиллаштирилган стратегия марказида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган муҳим ғоя — “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили туради. Эътиборли томони, мазкур дастур қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятини ўрта ва узоқ муддатли мақсадлар асосида мувофиқлаштирувчи концептуал ҳужжат сифатида намоён бўлиб,

Ижобий ўзгаришларга қаратилган умуммиллий дастур

36,7 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб 41 миллионга етиши прогно қилинмоқда. Бу эса таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат бозори, уй-жой ва ижтимоий инфратузилмага талаб ортиб боради демекдир. Шу нуктаи назардан, ҳар бир стратегик мақсад аҳоли ўсиши ва унинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгиланмоқда.

Бундан ташқари, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар тенденциялар, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши давлат сиебатини юритишда янги ёндашувларни талаб этмоқда. Аҳоли эҳтиёжлари ўзгариб бораётгани ҳам стратегик режалаштиришни замонавий талаблар асосида қайта кўриб чиқиши тақозо этди.

Такомиллаштирилган стратегия марказида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган муҳим ғоя — “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили туради. Эътиборли томони, мазкур дастур қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятини ўрта ва узоқ муддатли мақсадлар асосида мувофиқлаштирувчи концептуал ҳужжат сифатида намоён бўлиб,

унда ислохотларнинг ички мантиғи, устувор йўналишлар ҳамда натижага йўналтирилган давлат бошқаруви моделини шакллантириш механизмининг ўз ифодасини топан.

Ушбу ҳужжат қабул қилинган давр билан ҳозирги иқтисодий воқеик ўртасида сезиларли фарқлар мавжуд. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатлари, давлат бошқаруви тизимидаги ислохотлар ва фуқаролик жамияти институтлари фаоллиги сезиларли даражада ошди. Шу билан бирга, глобал иқтисодиётдаги беқарорлик, рақамли трансформация, демографик ўзгаришлар ва технологик тараққиёт давлат сиесати олдига мутлақо янги вазибаларни қўймоқда.

Стратегияни такомиллаштириш зарурати аввал белгиланган мақсадлардан воз кечиш эмас, балки уларни замон талабларига мос равишда аниқлаш, ўлчаш ва амалий механизмлар билан бойитишдир. Бу, ўз навбатида, давлат сиебатининг янги босқичга кўтарилаётганини, Ўзбекистон жаҳон миқёсида рақобатдор стратегик йўналишларни онли равишда таллаётганини аниглади. Дастурий ҳужжат натижага йўналтирилган

ҳам мазмунан, ҳам сифат жиҳатидан тубдан янгиланди. Бу мақсадлар иқтисодий эркинликни кенгайтириш, рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда давлат – бизнес муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал пойдевор яратди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми амалдаги таҳрирда 160 миллиард доллар этиб белгиланган бўлса, янгиланган стратегияга кўра, келгуси беш йилда уни 240 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган. Бу иқтисодиётни либераллаштириш, бозор механизмларини чуқурлаштириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини мақбул даражага тушириш ва хусусий секторни иқтисодий ўсишининг асосий драйверига айлантириш орқали амалга оширилади.

Муҳим принципал жиҳатлардан бири унинг кенг жамоатчилик маслаҳатлашувлари асосида такомиллаштирилаётганидир. Унинг ҳар бир фуқаро учун тушунарли бўлиши ва ҳаётда сезиларли натижалар бериши асосий мезон бўлиб қолади. Шу боис, стратегия умумий декларатив мақсадлар билан чекланмасдан, аҳоли фаровонлиги, иш билан бандлик, даромадлар ўсиши ва ижтимоий хизматлар сифати каби аниқ кўрсаткичлар орқали баҳо-ланиши лозим.

Умуман олганда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ислохотларни чуқурлаштириш, давлат бошқаруви самардорлигини ошириш, энг аввало, халқимиз ҳаётида аниқ ижобий ўзгаришларга эришишга қаратилган умуммиллий тараққиёт дастури сифатида намоён бўлади.



Бошланиши 1-бетда

Бу борада мамлакатимизда қатор аниқ вазифалар белгиланган. Хусусан, жорий йилда 1 миллион нафар аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 2,5 баробарга ошириб, 3,5 мингтага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизга тушириш мақсад қилинган. Бунда маҳаллалар



Бандлик

КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ

БУ ШУНЧАКИ МОДДИЙ ЁРДАМ ЭМАС, БАЛКИ ДОИМИЙ ДАРОМАДГА ЙЎНАЛТИРИШ ҲАРАКАТИ

асосий драйверга айланади. Жорий йилнинг 23 январь кунини давлатимиз раҳбари раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида шулар ҳақида сўз борди. Вазифалар аниқ, уларни амалга ошириш чоралари ҳам белгиланган.

Бир оилани камбағалликдан чиқариш кўпчилик ўйлагани каби осон иш эмас. Айниқса, унда ногиронлиги бўлган шахслар истиқомат қилса. Бу масалани янада жиҳдийлаштирадиган, боиси, имконияти чекланган, бундан руҳий тушқунликка тушган инсонга, аввало, психологик кўмак, алоҳида эътибор зарур. Сўнг унинг қизиқишларини аниқлаштириб, шунга кўра жорий йилда йўналтириш мумкин. Бандлигини таъминлаш ҳам ихтиёрий масала, баъзилар имконияти сабаб ишлашни истамаслиги табиий. Шунда ҳам ўзини ёлғиз, кераксиз ҳис қилмаслиги учун имкон қадар бирор машғулота йўналтириш чоралари кўрилади. Оиласининг бошқа аъзолари ҳам шу тарафда бирор ишга жалб этилади.

Яъни ҳозир юртимизда ўта оғир аҳволга тушиб қолган, яқка-ёлғиз кексалар, ногиронлиги бор оилалар билан шундай тизимли ишланапти. Бунга 2024 йилдан бошлаб ҳар бир маҳаллада жорий этилган ижтимоий ҳодимлар масъл эътиб белгиланган. Улар ўзларига бириктирилган хонадонларда доимий мониторинг ўтказиб, ҳар бир оила билан мунтазам ишламоқда. “Маҳалла еттилиги”ни ҳам ҳисобга олсак, биргина маҳалланинг ўзида фуқаролар билан тизимли ишлаш, муаммоларини ҳал этиш, ўқишга, ишга, тадбиркорликка йўналтириш учун қанча ҳодим меҳнат қилаётганини тасаввур қилаверинг.

Аммо ушбу ислохот орқали рақамларни ҳисоблаш эмас, балки аҳолининг чин маънодаги ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, фуқароларнинг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаб, фаровонлигини ошириш мақсад қилинган. Кўринадиган натижа, ўзгаришлар эса халқпарварлик сийосатининг ёрқин намунасидир. Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя масаласида бугун биринчи галдаги вазифалар қаторида кўрилмақда. Янги таҳрирдаги Конституциямизда мустақамланган “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили амалий мазмун касб этиб, халқчил ислохотга айланди.

Рақамлар эмас, натижа гапирсин

Одатдагидек фотограф ҳаммасини билан эрта тонгдан йўлга отландик. Бу галги манзил эсимиз Юқори Чирчиқ тумани. Чирчиқ дарёси ва Сирдарё ўртасида жойлашган бу туман Тошкент вилоятининг энг чекка ҳудудларидан бири. Яқин йилларгача аҳолиси фақат деҳқончилик қилиб, пахта-ғалла теримидан даромад кўриб келган. 2018 йилда туманда илк пахта-тўқимачилик кластери ишга тушиши ортидан 2 мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди. Кейинроқ ҳудудда бирин-кетин пахта-ғалла, шолчилик, богдорчилик ва балиқчилик кластерлари пайдо бўлди. Туманга саноат кириб келиб, ишлаб чиқариш ривожланди. Энди одамлар корхоналарда меҳнат қилиб, даромад топишти.

Бундай корхоналар кўпчилиги “маҳалла еттилиги” учун ҳам айни муддао. Боиси, улар оилаларнинг ижтимоий аҳолини ўрганиши асосида ишсиз аҳоли бандлигини таъминлашда шундай корхоналар билан ҳамкорлик қилади. Одамлар учун оиласи кетмай, ўз ҳудудида ишлаб, оиласига даромад олиб кириш анча қулай. Асосийси, тадбиркорлар имконияти чекланган, ногиронлиги бор фуқароларни ҳам фаол ишга қабул қилмоқда. Бунинг учун уларга қўшимча имтиёзлар берилляпти.

Умуман, бугун жуда кўп жойларда имконияти чекланган инсонлар меҳнат қилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бу уларга жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида барча шароитлар яратиб берилаётганидан далолат. Яъни улар ўз-ўзидан ишга жойлашиб қолмаяпти. Маҳалладаги ижтимоий ҳодим улар билан тизимли ишлаб, аввал ўқиб, кейин ишлаш учун йўналтиряпти. Соғлигини тиклаши, тушқунликдан чиқиб, жамиятга қўшилиши



Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

учун зарур кўмаклар берилляпти. Бизга кун давомида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Миразиз Мирсultonов ҳамроҳлик қилди. Йўл-йўлакка маълумотлар билан таништирдиган. Айтишча, 2025 йил январь-ноябрь ойи давомида Тошкент вилоятида 116 минг оила камбағаллик сўровномасидан ўтказилган. Сўровнома натижаларига кўра, 43 минг 756 оила “Камбағал оилалар реестри”га киритилган. Мутасадди уларга берилаётган ёрдамлар ҳақида ҳам гапирди, аммо бизга кўпроқ



амалий натижа муҳим. Ҳатто булар ҳақида эшитиб, “Имконияти чекланган бир неча кишига одатдагидек бир-икки марта моддий ёрдам берилади, кўнгли кўтарилган бўлса керак”, деган ҳаёлга бордим. Аммо илк қаҳрамонимни кўриб, суҳбатлашим биланок фикрим ўзгарди.

Тумандаги Шодлик маҳалласида яшовчи Манзура Эргашева билан “Баркамол авлод” болалар марказида кўришдик. Бир йилдан буён шу ерда тўғарак раҳбари сифатида болаларга хунар ўргатаркан. Имконияти чеклангани сабаб юришга бир оз қийналса-да, марказ биносига ўзига бўлган ишонч, қатъият билан кириб келди. Гапирди оҳанги анча дадил. Бир пайтлар ич-эттини еган тушқунликдан асар йўқ, балки бунини сездирамс. Ўзининг айтишича, ишга жойлашганидан кейин тушқунликдан чиқиб, умид билан яшай бошлаган. Ҳозир севибли иши муаммоларини унуттишга, янги мақсадлар билан яшашига кўмак берапти. Ҳам ҳаракат-таънч, ҳам кўриш қобилиятидаги нуқсонига қарамай, кўзлариди ёниб турган шижоати одамни ҳайратга солади.

Мендаги пай-тўқималар касаллиги 18 ёшимда нотўғри даволаш оқибатида орттирилган, — дейди Манзура опа. — Мана, 20 йилдирки, шу касаллик билан яшайман. Раҳматли отам соғайиб кетишимга умид қилиб, ногиронлик рўйхатига киритмаган, гуруҳ ҳам белгиланмаган. Уйимизга ижтимоий ҳодим келиб, аҳолини ўргатган, биринчи навбатда, ногиронлик гуруҳи белгиланди. Электрон аравача олиб беришди. Онам, акам ва унинг оиласи билан бир уйда яшаймиз. Маҳалламизда Наргиза Аҳмедова ижтимоий ҳодим сифатида иш бошлаган, шароитимизни

ўрганиб, бугунгача нима ёрдам керак бўлса, кўмаклашиб келяпти. Унинг тавсияси билан тумандаги мономарказда бепул ўқиб, хунаримни янада кенроқ ўргандим. Кўпроқ турдаги махсулотлар ясаб, онлайн сотувни йўлга қўйдим. 2024 йили уйимизга ҳокимнинг ўзи келиб, қандай ёрдам кераклигини сўраганида, сотувни кенгайтиришга эҳтиёжим борлигини айтганим, эшигимиз олдида кўча дўкон олиб келиб беришди. Мутлақо бепул фойдаланяпман. Сотув ҳам, даромад ҳам ёмон эмас. Кейинроқ “Баркамол авлод” болалар марказига ишга таклиф қилишди. Имконият чекланганига қарамай, эҳтиёжларим учун ўзим пул топаётганимдан қувонаман. Асосийси, шу ишим сабаб катта тушқунликдан чиқдим, ҳаётга бўлган умидим ошди. Шу йўналишда ишимни кенгайтириб, тадбиркорликни йўлга қўйишни мақсад қилганман.

Маҳалладаги ижтимоий ҳодим зиммасига юклатилган вазифа ҳам шу — оғир аҳволга тушиб қолган, имконияти чекланган, эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар бир муаммосини ўрганиб, улар билан тизимли ишлаш, комплекс хизматлар кўрсатишдан иборат. “Шодлик” МФЙ ижтимоий ҳодими Наргиза Аҳмедова ўнлаб ана шундай фуқаролар билан ишлаб келмоқда. Уларга тиббий ёрдам хизматларидан тортиб, қизиқишга кўра спорт машғулоти, ўқишга ва ишга жойлаш ҳаракатларини олиб боради.



Ҳамма нарсга ўзимизга боғлиқ. Лекин атрофда ҳаракатимизга яраша ёки бизни ҳаракатга ундайдиган қўллар ҳам бўлиши керак. Авваллари имконияти чекланган, ногиронлиги бор шахслар деярли эътиборсиз эди. Гўёки ногиронлик уларнинг бир умр уйда қимнингдир парваришига муҳтож ҳолда яшаши учун ҳужм эди. Бугун эса бизга кўрсатилаётган эътибор, муносабатдан ўзимни соғлом инсондек ҳис қиламан. Ана шу ишонч бизга руҳий қувват беради.

Барака — меҳнатда

Бир оилани билардим. Турмуш ўртоғидан бева қолган аёл тўрт қиз, бир ўғлини ёлғиз боши билан вояга етказди. Бир қизи соғлом, қолганлари гапирши ва зинтишида нуқсон билан туғилган. Қариндошлар оила қургани бунга сабаб. Фарзандлари мендан бир неча ёш улутроқ бўлгани боис, уларнинг улгайганини кўриб катта бўлдим. Аёлнинг арзими ҳам оиллик маоши ва болаларга бериладиган жуда кам суммадаги ногиронлик нафақасига кўн қўришди. Аёл ногиронлик нафақасини расмийлаштириш учун ҳам доим қаергадир югураб, бир муддат фарзандларини шифохонага ётқизиб, ҳар гал имконияти чекланганини тасдиқлайти олишига тўғри келарди. Шифохонада даволаниш бепул, аммо ўзига яраша харажатлари бўларди. Фарзандлари катта бўлиб ҳам бирор жойда ўқиёлмади, иш ҳам тополмади. Қизлари-ку, турмушга чиқиб кетди. Аммо ўғли ишлай олмади. Кўз нури ниҳоятда хира экани ишлагига панд берарди. Хуллас, оила умр бўйи ўз муаммолари билан андармон бўлиб яшарди. Аёл оламдан ўтганича ҳам фарзандларининг рўшноликка чиққанини кўрмади...

Манзура опа билан суҳбатлашиб, негадир шў ёдимга тушди. Афсуски, жамиятимизда айрим саховатпеша инсонларни айтмаганда, кўпчилигимиз ногиронлиги бор шахслар турмушига бефарқмиз. Бойлар ҳам бир неча мартадан кейин ёрдам қилини узади. Биз эса ўзимиздан ортаймиз. Энг беминнат кўмакчи



яхши яшагимиз келади. Сиз ўз ҳаётингизда берилаётган ёрдамлар, эътиборни қанчалик сезярсиз ўзи?” деган саволни бериб юбордим. Ака ҳам қулибгина, аммо ишонч билан “Тўғри, аввал ҳам нолимаганман, шукр қилиб яшаганмиз. Лекин ниҳоятда тушқун ҳолатда бўлганман. Ижтимоий аҳолим, доимий ишим ва даромадим йўқлигидан эзилганман. Менга берилган энг катта ёрдам — эътибор сабаб ана шу тушқунликдан чиққаним бўлди. Биланман, оиллик маошим кам эканига шама қиласиз. Тўғри, бу оиллик билан бойиб кетмаймиз. Аммо мана шу иш сабаб ҳаётга қарашим бутунлай ўзгарди, умидим, мақсадларим катталашди. Яшашимиз ёмон эмас, бироқ янада яхшироқ яшашига ишонч пайдо бўлди. Қолганига меҳнат қилсак, эришамиз”, деб жавоб берди.

Мен камлигимга шама қилганим — оиллик маошдан жамғариб, оила ўзига скутер харид қилган экан. Қолаверса, имтиёзли кредит асосида ер ҳайдайдиган мотокультиватор ҳам берилган. Аканинг ўзи бўш вақтлариди ёки ўғли ана шу техника ёрдамида қўшимча даромад топади. Яқинда иситиш мавсуми учун бир марталиқ моддий ёрдам сифатида 1 миллион сўм пул ҳам берилганини айтишди. Оила қишининг бир камини тўлдирганидан хурсанд.

Ҳозир бир оз ноласа керак деган ўй билан қаҳрамонимизнинг аёли — Гулмира Яхшибоева билан ҳам суҳбатлашишга ошдиким. Аммо аёлнинг гаплари мени янада ҳайрон қолдирди: “Бу хонадонга келин бўлиб тушганимга 13 йил бўлди. Янги келинлик пайтим турмуш ўртоғимни ҳар кун ишга қузатгим келарди. Бугун ана шу орзумга етдим, шукр! Қолган ниятларимизга ҳам аста-секин етйамиз. Фарзандларимни катта қилиб олсам, ўзим ҳам мономарказда ўқиб, ишламоқчиман”.

Ўзатишган қўл — давлатники!

Инсон бошига қачон, қандай қийинчилик тушишини билмайди. Аммо ана шу қийинчиликни енгиб ўтиш учун сабр-мотонатнинг ўзи камлик қиладигандек. Шундай вақтларда сизга ўзатиладиган қўл, кичик бўлса-да, қўллаб-қувватлов борлиги одамга куч беради. Агар бу ёрдамни давлат бераётган бўлса, маҳалла ҳол-аҳвол сўраб турса, оилангиз шу юртва кераклигини ҳис қилар экансиз...

Булар менинг эмас, Юқори Чирчиқ туманидаги Тинчилик маҳалласида яшовчи Комила Мансурованинг сўзлари. Аёл билан узоқ суҳбатлашдик. Ҳақиқатан, ҳаёт қутилмаган зарбалар, имтиҳонларга тўла. Комила опа бошдан ўтказганларини айтгити-ю, мен худди фильм кўраётгандекман. Фақат бу фильмнинг қаҳрамони ёнимда ўтирибди.

— Ўзимизга тўқ, доимий даромадга эга оила эдик. 2022 йилда қутулганимда бошимизга оғир синнов тушди, — дейди Комила опа. — Қизимиз иккинчи фарзандига туғуруқ вақтида жуда оғир касалликка чалинди. Ўзи ҳам, фарзанди ҳам мия билан боғлиқ касаллик сабаб тўшакка миҳлибди қолди. Уни даволаб, оёққа турғазини учун йиққан-терганимиз, бор-будимизни сотишга мажбур бўлдик. Шунчалликка етдикки, ёишига нон тополмай қолдик. Жуда қаттиқ тушқунликка тушдик. Аммо маҳаллага ёрдам сўраб чиқмадик, ўзлари уйма-уй юриб, ўрганишлар давомида аҳолинимиздан хабар топди. Ишонсангиз, шундан буён ҳамма масаллада ёнимизда туришибди. Бутун маҳалла, ижтимоий ҳодим, соғлиқни сақлаш ҳодимлари доим ёнимизда.

Қизим ва набирамни даволатишда жуда катта ёрдам беришди. Тошкентдаги шифокорлар туманимиз билан боғланган ҳолда ишлади. Қизимни вақтида шифохоналарга олиб боришимизга ҳам маҳалла сабаб. Қариндош-уруғлар доим ёнимизда туради-ку, аммо маҳалла кўмаги бошқача экан. Шифохонада ёнимда онам, укаларим турибди, лекин маҳалладан кўнгирак қилиб, “Опа, сизга яна бирор ёрдам керак эмасми?” дейишганида, шифокорлар билан ҳоким ёки маҳалла раиси гаплашганида, катта ёрдамни ҳис қилдим.

Моддий аҳолиимизни яхшилашимизда ҳам ижтимоий ҳодим доим ёнимизда бўлади. Турмуш ўртоғимга имтиёзли кредит асосида мотороллер берилган, шунинг орқасидан даромад топишти. Ўзим олдиндан тикувчилик қилардим, қизим ва набирамнинг касаллиги сабаб цехда ишолмадим. Мономарказда ўқиб, ўғил-қизларга дарс беришимни тавсия қилишди. Ҳозир тумандаги “Баркамол авлод” болалар марказида ўғил-қизларни хунармандлик ва кўл меҳнатида ўргатапман. Маҳалланинг ижтимоий ҳодими яқинда менга бошқа иш таклиф қилди. Маҳалла томонидан 30 сотих ер ажратилляпти. У ерда йилгига икки марта ҳосил олишни режалаштиряпмиз. Очиғи, қанча кўп ҳаракат қилганимиз сари маҳалла бизга шунча ёрдам берапти.

Умуман, оиламиз ўта оғир кунларни бошдан ўтказди ва маҳалла ёрдамида қийинчиликлардан чиқиб келяпмиз. Молиявий аҳолиимизни деярли ўнлаб олдик. Ҳозир ҳаммамнинг иши бор. Ўғлим мебелё йўналишида ишлайди. Ногирон қизим ҳам тиббиёт йўналишида ўқиган, ҳозир малака ошириш курсида таҳсил оляпти, ишга жойлашмоқчи. Агар маҳалла ёрдам бермаганида, билмадим, бу муаммолардан қандай чиқардик. Баъзилар “Шу ёшингизда арзиманг оилкага ишлаб сизга нима зарур”, дейди. Лекин бу миннатдорлик ҳисси. Бор куч-ғайратим билан бизга кўрсатилган ғамхўрликка жавоб беришимиз керак. Ўқувчиларимга ҳам нафақат хунар, балки педагог сифатида ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотаётганимдан гурурланаман.

Ҳар гал ана шундай оилаларни кўрганимда, шукроналик ҳисси билан қайтишим ҳақида кўп айтман. Тўғри, муаммо, қийинчиликлар ҳаммамизда ҳам бор. Ҳар биримиз қаердадир қоқиламиз, йиқиламиз. Аммо сабр билан қайта тура олиш ва йўлда давом этиш шукроналикнинг энг гузал кўриниши бўлса керак.

Йиқилганида аллақачон давлатимиз қўл узатгани, ўз ҳимоясига олгани эса келажакка ишончимизни янада оширади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz[yuz_official](#)[yuz.uz_news](#)[yuz.uz_news](#)

Мулоҳаза

БИРДАМЛИК ҲАМИША
ҒАЛАБА КЕЛТИРГАЙ

Миродил БАРАТОВ,
“Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси,
юридик фанлар доктори, профессор

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўртасида тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик ва ҳавфсизликни таъминлаш давлатимизнинг бош вазифасига айланган. Бугун шу йўналишдаги тизимли ислохотлар ва бунёдкорлик ишларининг барчаси янги Ўзбекистонни барпо этишга хизмат қилмоқда.



Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қайд этилганидек, бундан тўққиз йил олдин иқтисодиётимиз ҳажмини 100 миллиард долларга етказиш биз учун жуда катта марра бўлиб кўринарди. Бу йил тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулотимиз 145 миллиард доллардан ошди.

Дунёда ҳар учинчи одам тўйиб тоза ичимлик сув ича олмаётган бир паллада 2025 йилги юртимиздаги 188 та маҳаллага биринчи марта тоза ичимлик сув кириб борди. Шу билан яна 2 миллион 300 мингта яқин одамнинг сув таъминоти яхшиланди. 867 та “огир” маҳалладаги 470 мингта хонадонга томоркаларни сўғориш учун илк бор сув кириб борди.

Дунё бўйлаб миллионлаб одам бошпанасиз яшаётган бир вақтда юртдошларимизга 8 миллион 100 минг квадрат метрли

135 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар фойдаланишга топширилди.

Яратилаётган шароитлар туфайли таълим ва спорт соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳам салмоқли. Бугун жаҳон аҳли ўзбек футбол билан ҳисоблашмоқда. Халқаро фан олимпиадаларида шунчаки иштирок этиш эмас, балки совринли ўринларни эгаллаш аллақачон одатий ҳолга айlandи.

Эришилган юқори натижалардан келиб чиқиб, 2026 йилда янада юксак марраларни кўзламоқдамиз. Мурожаатномада 6 та устувор йўналишдан иборат дастур эълон қилинди.

Энг муҳими, вилоят ва туман ҳокимларига самарасиз ҳамда бир-бирини тақорлайдиган штат бирликларини қисқартириб, тежалган маблағни аҳоли ўртага қўйган масалаларни ҳал қилиш учун ажратишга рухсат этилмоқда. Бу орқали туманлар бюджетиди

Такомиллашаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий йўналиши халқ ва давлат идораларини ягона мақсад йўлида бирлаштириш, ислохотларда самарадорлик, манзиллилик ва ҳисобдорликка эришиш, пировардида халқни рози қилишдан иборат.



йилига 5 триллион сўмлик қўшимча манба шаклланиши кутилмоқда ва у маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга сарфланади. Ушбу йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм вилоятлар ихтиёрига берилмоқда. Фақат бу маблағларнинг ҳар бир сўми аҳоли учун қўшилган қиймат яратиши зарур. Шу боис, бу пул умумий тарзда қайсидир туман учун эмас, балки маҳаллада иш ўринлари очадиган, аҳолини даромадли қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилиши режалаштирилмоқда. Энди қайси маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири лойиҳа тайёрлаб, асослаб берса, зарур маблағни олиши мумкин.

Эришилган улкан натижалар чегара эмаслигини ҳар бир инсон тушуниб, ҳис қилиб турибди. Мурожаатномада ҳам “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқиш, ушбу ҳужжатни кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ва аҳолининг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Беш устувор йўналиш, 100 мақсад ва 451 самарадорлик кўрсаткичини қамраб олган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг такомиллаштирилган лойиҳаси жойларда фаол муҳокамалар мавзусига айlandи. Айниқса, стратегиядаги мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва болаларнинг тўлиқ қамровини таъминлаш, педагог кадрлар мақомини ошириш, уларнинг билими ва малакасини халқаро стандартларга мослаштириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудларда кундалик масалаларни ҳал этишда маҳаллани жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги “таънч кўприк”ка айлантириш, янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини халқ ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда изчил амалга ошириш каби мақсадлар кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қилинди. Шунингдек, бу йил мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши кутилмоқда. Амалга оширилаётган қатъий савб-ҳаракатлар натижасида ҳамкор мамлакатлар бу жараёни фаол қўллаб-қувватламоқда.

Тамаддуллар ва давлатлар катта тезликда рақамли дунёга, сунъий интеллект оламига кириб бормоқда. Аҳоли сон, унинг эҳтиёжлари жадал ўсмоқда. Бу ҳол, табиийки, янги қадамлар ташлаш ва аниқ режалар тузиш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Такомиллашаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий йўналиши халқ ва давлат идораларини ягона мақсад йўлида бирлаштириш, ислохотларда самарадорлик, манзиллилик ва ҳисобдорликка эришиш, пировардида халқни рози қилишдан иборат.

КЎЗГҮ

2026 йил 29 январь, 19-сон

5

Қирқ тўрт йиллик меҳнат фаолиятимнинг асосий қисми маҳаллалар билан боғлиқ. Шу йиллар давомида маҳалла тизимида не кунларни кўрмдик дейсиз... Фаолиятимизга тааллуқли бўлмаган топшириқларни бажарардик. Аҳоли мурожаат билан келса, имконсизликдан эшик беркитиб ўтирганимиз ҳам аччиқ ҳақиқат.

Муносабат

ЖАМИЯТ ИШОНЧ БИЛАН ЮКСАЛАДИ

Нормурод ИСОҚОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
федерацияси Навоий вилояти
кенгаши раиси маслаҳатчиси,
вилоят кенгаши депутати



Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасини муҳташам саройининг ўзиди тинглаб ўтирар эканман, ўша кунлар бирма-бир кўз ўнгимдан ўтди. Давлатимиз раҳбарининг 2026 йилги юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб белгилаш тўғрисидаги таклифи мени ниҳоятда тўлқинлантирди.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар маҳаллани жамиятнинг чинакам таянчига айлантирди. У аҳолининг ташвиши ва муаммоларини эшитадиган, жойида ўрганиб ҳал қиладиган кучга айlandи. “Маҳалла еттилиги” жорий этилиши муаммоларга юқорида эмас, қўйида ечим топишга замин ҳозирлади. Турли ижтимоий дафтарлар орқали хотин-қизлар, ёшлар, ногиронлиги борлар,

Беш-олти йил илгари Навоий вилоятида бештагина меҳмонхона бор эди. Меҳмон келадиган бўлса, олдиндан буюртма бериб, жой банд қилиб қўярдиқ. Қишлоқ туманларини-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Бугун вилоят маркази ва туманларда 80 га яқин катта, 100 дан зиёд меҳмон уйлари барпо этилган. Сармисой, Нурота, Тўдақўл, Айдарқўл, Олтинсой, Лангар, Сентоб ва бошқа ҳудудларда тарихий, экотуризм, пляж ва



шунингдек, маҳалла инфратузилмалари билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмоқда.

Биргина мисол: Навоий вилояти бўйича сўнгги йилларда ногиронлиги бор 400 га яқин фуқаро уй-жой билан таъминланди. Бошпанали бўлган фуқароларнинг қувончи, шукронага йўғрилган миннатдорлигини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Улар ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга мустаҳкам ишонч билан яшапти.

зиёрат туризми зоналари мавжуд. Меҳмон келса, энди хижолат тортмаймиз. 2016 йилдан буён вилоятга келадиган сайёҳлар оқими салкам ўн баравар ошибди. Бу одамлар учун янги иш ўрни, оилаларга даромад манбаи демакдир.

Албатта, буларнинг барчаси маҳаллаларимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломлашишида муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, тизим фаолияти янада такомиллашиб

бораётгани сабаб фуқароларнинг маҳаллага ишончи ошди. Жамият эса ишонч туфайли юксалади.

Давлатимиз раҳбари кейинги вақтларда юртимиз глобал масалалар муҳокама қилинадиган халқаро мулоқот майдониға айланиб бораётганига алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, ўтган йили мамлакатимиз Парламентлараро Иттифоқнинг 150-йилбейи ассамблеяси, ЮНЕСКО Бош конференцияси сессияси, “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммити ва халқаро Иқлим форуми каби йирик тадбирларга мезбонлик қилди. Шунингдек, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчилари иштирокида 2025 йил март ойида биринчи марта уш маҳалат давлат чегараларининг туташ нуктаси тўғрисида тарихий шартнома имзоланди ва Абадий дўстлик тўғрисидаги декларация қабул қилинди.

Шунингдек, 2025 йил октябрда Брюсселда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ноябрьда бўлиб ўтган Марказий Осиё ва АҚШ саммити кўп томонлама ҳамда узоқ муддатли шерикликини сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди. Тоқоюда Марказий Осиё ва Япония етакчиларининг учрашувида таълим, тиббиёт, рақамли технологиялар, инфратузилма ва саноат соҳалари бўйича муҳим келишувларга эришилди. Санкт-Петербургда МДХ мамлакатлари раҳбарлари билан учрашув ҳам ҳамкорлигининг янги йўналишларини белгилаб берди.

“Буларнинг барчаси халқаро алоқаларимизни мазмун жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда. Биз дунёдаги узоқ-яқин мамлакатлар билан Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб билан ҳамкорлик кўприкларининг қуришда давом этамиз”, деди Президентимиз. Албатта, янги Ўзбекистоннинг нуфузи халқаро майдонда кундан кунга ортиб бораётгани бизга гурур ва фахр бағишлайди.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада барча соҳадаги ислохотларнинг амалий натижаларини рақамлар ва мисоллар билан келтириб ўтди. Дарҳақиқат, сўнгги йиллардаги ислохотлар қўлами кенгайди ва самараси ҳам ошди.

Ҳозир Касаба уюшмалари федерацияси тизимида фаолият юритяман. Шу ўринда сўнгги йилларда ушбу тизимда ҳам жуда катта ривожланиш бўлганини таъкидлаш жоиз. Президентимиз 2025 йил октябрда касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашув ўтказди. Ушанда давлатимиз раҳбари касаба уюшмалари ҳаракати аъзоларига юксак ҳурмати ва эзгу тилакларини билдириб, Ўзбекистон касаба уюшмаларини 120 йиллик юбилеи билан табриклаган, соҳада эришилган ютуқларни санаб ўтган эди. Бу ҳам юртимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотларнинг яна бир далили бўлди.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар барча соҳани тўла қамраб олди. Унинг қўлами қанча кенгайган бўлса, изчиллиги ҳам шунча шиддат билан давом этапти.

Нуктаи назар

Бугунги глобаллашув, ахборот тезлиги ва ижтимоий ўзгаришлар шароитида жамият барқарорлиги масаласи фақат иқтисодий кўрсаткичлар ёки ҳуқуқий механизмлар билан ўлчанмайди. Энди тараққёт шароитида инсоннинг руҳий ҳолати, психологик барқарорлиги ва ҳаётга мослашув даражаси ҳам муҳимдир. Зеро, руҳий жиҳатдан барқарор бўлмаган жамиятда ҳеч қандай ислохот самара бермайди.



Холбуви ОДИЛЖОНОВА,
Жиззах давлат педагогика университети
хотин-қизлар психологи

Янги Ўзбекистон тараққёт стратегиясида инсон манфаатлари устувор йўналиш сифатида белгиланган. “Инсон қадри” тушунчаси давлат сиёсатининг доимий марказида. Инсон қадри эса нафақат моддий фаровонлик, балки унинг руҳий осойишталиги, психологик ҳимоялангани ва ижтимоий ишончи билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, ёшлар ва талабалар орасида учраётган руҳий зўриқиш ҳолатлари таълим тизимида психологик ёндашувни кучайтириш заруратини кўрсатмоқда. Бу муаммоларни фақат индивидуал маслаҳатлар билан эмас, балки давлат сиёсати даражасида тизимли ёндашув орқали ҳал этиш мумкин.

Психологик барқарор жамият деганда инсоннинг ўз ҳаётини мазмунли ва қадрланган деб ҳис қилиши, келажакка ишонч ва масъулият билан қараши, ижтимоий ва шахсий муаммоларни ҳиссий издан чиқмасдан, онгли ва конструктив тарзда ҳал эта олиши,



шунингдек, жамият тараққийиётига дахлдорлик тўғриси билан фаол ҳаётий позицияни намойён этиши тушунилади. Бундай жамиятда фуқаролар ўз масъулиятини ҳис қилади, ижтимоий фаоллик кучаяди ва давлатга

бўлган ишонч мустаҳкамланади. Аксинча, руҳий бекарорлик ҳукм сурган муҳитда ижтимоий низолар, радикал қарашлар ва бепарварлик кучаяди. Шу маънода, психологик барқарорлик ижтимоий ҳавфсизликнинг

муҳим таркибий қисмидир. Бугунги кунда дунёнинг қўллаб ривожланган давлатларида психологик хизматлар фақат муаммага дуч келганлар учун эмас, балки профилактика ва ривожлантириш максисиди ҳам фаол жорий этилмоқда. Бу эса муаммони оқибатлари билан эмас, илдири билан баргараф этиш имконини беради.

Ўзбекистон таълим тизимида сўнгги йилларда кечадиган ислохотлар ҳам айнан шу йўналишда қилинмоқда. Олий таълим муассасаларида психологик хизмат фаолиятини такомиллаштириш, ёшларнинг ижтимоий мослашувини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизларнинг руҳий фаоллигини ошириш борасида муҳим қадамлар ташланмоқда. Бироқ бугун бу ишларни янада чуқурлаштириш талаб этилади. Айниқса, эмоционал интеллект, стрессга чидамиллик, иродавий сифатларни ривожлантириш масалалари таълим жараёнининг ажралмас қисмиға айланиши лозим. Чунки замонавий мутахассис нафақат билимли, балки руҳий жиҳатдан етук, масъулиятли ва жамиятда ўз ўрнини топа оладиган шахс бўлиши керак. Бу эса бевосита психологик барқарорлик билан боғлиқ.

Хотин-қизлар масаласида психологик ёндашув бугунги кунда алоҳида стратегик

аҳамият касб этмоқда. Чунки барқарор оила барқарор жамият таянчи, оила муҳитининг соғломлиги эса, энг аввало, аёлларнинг руҳий ҳолати, ўзига ишончи ва ижтимоий фаоллиги билан боғлиқ. Аёлнинг психологик фаровонлиги нафақат оиладаги муносабатларга, балки фарзандлар тарбиясига, ёш авлоднинг ҳаёти муносабатига ва жамиятдаги умумий ижтимоий иқлимига кучли таъсир кўрсатади. Шу нуктаи назардан қараганда, хотин-қизлар билан ишлашда психологик қўллаб-қувватлаш механизмининг тизимли равишда кучайтириш давлат сиёсатининг муҳим ва устувор йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида хотин-қизлар психологи штати жорий этилиши бу борадаги ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди. Бу ташаббус юртимизда хотин-қизларнинг руҳий барқарорлиги, ижтимоий мослашуви ва фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Мазкур ёндашув таълим муҳитида аёллар учун психологик ҳавфсиз макон яратиш, уларнинг муаммоларини эрта аниқлаш ва профилактик тарзда ечим топиш имконини бермоқда. Энг муҳими, бу ташаббус психологик хизматни фақат муаммага дуч келганда мурожаат қилинадиган восита сифатида эмас, балки ривожлантирувчи ва ҳимояловчи институт даражасига кўтаришга хизмат қилмоқда. Шубҳасиз, бундай тизимли эътибор жамият барқарорлигини таъминлаш йўлида ташланган муҳим ва таҳсинга лойиқ қадамдир.



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар қадим замонлардаёқ ёшларнинг рухий, ақлий, ахлоқий ва жисмоний маданиятига алоҳида эътибор берган. Улар фарзандларига болалик чоғларида кураш, ўқ-ёй отиш, чавандозлик сингари жанговар ўйинларни мунтазам ўргатиб келган. Юнон тарихчиси Геродот хоразмийлар билан ёнма-ён яшаган сақлар қабиласидаги мохир мерганлар ҳусусида бундай деб ёзади: “Сақлар дунёдаги барча мерганлар орасида ўқни зое кетказмайдиган жуда уста мерганлар сифатида шуҳрат қозонган эди”.

Сақлар ва хоразмликларнинг аёллари ҳам ҳарбий юришлар ва жангларда қатнашар, мардлик ва матонатда эркак жангчилардан қолинмас эди. Файласуф Климент Александрийскийнинг сақлар қабиласи аёллари ҳақидаги ушбу таърифи эса бугунги ўзбек хотин-қизларида шаклланиган маданий қодларнинг ўқилди билан алоқа ўрнатганини яна бир қарра исботлайди: “Сак аёллари айёрлик билан қонаётиб, от устида ҳудди эркаклардай орқага бурилиб ўқ узар эди”.

Халқимиз бутун ҳаёти давомида эзгулик-ка интилан. Бу интилишлар “Алпомиш”, “Гўрўгли” каби халқ оғзаки ижоди намуна-лари орқали ҳам авлоддан авлодга ўтиб кел-ган. Улар шу сабабли одамлар руҳиятининг яширин жиҳатларини ўргана бошлаган: со-



лиқ ва касаллик тўғрисидаги умумий боғ-лиқлик, тана билан руҳнинг алоқадорлигини тадқиқ этган. Уша даврда инсон асаб тизими ва миясининг вазифалари ҳақида номаълум

лабага интилиш ва томоша учун ўйнаш руҳи биз учун ёт эмас эди. Халқ ҳали ўз табиий ижтимоий оқимида яшар, одамлар истеъдо-дини намоён этишдан тортинмасди.

АЛПЛИК ҚУВВАТИЮ МУЗАФФАР ТИЙНАТ

КАТТА ЎЗАНГА ҚЎШИЛАЁТГАН ФУТБОЛИМИЗНИНГ ТУРКИЙ ҚИЁФАСИ

бўлган жиҳатларни ўрганишга қизиқиш орта борган.

Темур саройига келган испан сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихо эғнига энгсиз калта камзулга ўхшатиб тикилган чарм либос ки-йиб олган икки полвон тик туриб курашиши, бир-бирини йиқитишга астойдил ҳаракат қилиши, нихоят улардан бири устун чиқиб, рақибини ерга ағдаргач, анча вақтгача унинг туриб кетишига йўл қўймай босиб ётиши, агар йиқилган полвон ўрнидан туриб кетса, йиқилган ҳисобланмаслигини эсдаликларига ғоят қизиқарли баён қилган.

Бугун халқимизнинг ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган, миллий маданий код сифатида қайта буй қўрсатаётган жисмоний маданият ҳамда спорт ўтмишининг турли воқеалари бўронда, душманларнинг кўплаб моддий-маданий бойликларини яқсон этувчи ўзаро урушлари ва қирғинларида, меҳнаткашлар-нинг ажнабийлар зулмига ва маҳаллий амал-дорларга қарши курашларида обдан тоблан-ган. Ҳўқмдорларнинг бири келиб, иккинчиси кетган. Халқнинг Амир Темур, Жалолитдин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобурга ўхшаган сара фарзандларигага ўтмиш анъ-аналарини давом эттириб, ҳарбий санъат ва жисмоний маданият мероси учун қайғурган.

Ўзбекистонда сўнгги тўққиз йилдан буён қайта тараққий топаётган кураш, чавандоз-лик, мерганлик каби спорт ўйинларининг тадрижий ривожини мазкур шахсларнинг пўртанали даврдан ажратиб ўрганиб бўл-майди.

Шу боис, дастлаб улкан тананинг мутла-қо бегона аъзоси сифатида қаралган футбол ўйини азалдан қонимизда оққан рақобат, куч синашиши ва шараф ҳиссига осон уланиб кет-ди. Курашда заминнинг қувватини ҳис қилиш ҳолати, чавандозликда эса от билан бир бутун бўлиш қобилияти футболга тез мослашиш имконини берди. Тезлик, тўқнашувлар, ға-

Кейинги даврда эса илдиздан узилиш юз берди. Мустамақкачилик сисёати ижтимоий онг оқимини ўзгартириб юборди. Фаоллик қора меҳнатга, ташаббус эҳтиёткорликка, очик рақобат кўрқувга алмашди. Сув кела-диган ўзанимиз ёпилди. Катта дарактнинг айби — соясининг катталигида дея қадим тарихимиз соясиди қолиб кетаётган эдик.

Сўнгги йилларда эса темир қопқалар очил-ди. Ёшларимиз спортдаги имижини англаш, ўз ўйин фалсафасини топиш босқичига кирди.

Ўзбекистон — футболни ривожлантиришда стратегик ҳамкор

Бугунги ўзбек футболни фалсафаси нати-жадан кўрқмайдиган, тоза меҳнат ва туркий қувватга таянган ёшлар ҳисобига ўз маъно қатламларини мустаҳкамлаб бормоқда. Айни дамда хориж клубларида ўйнаётган ўзбек футболчиларининг умумий характери деярли бир нуктада туташади: жисмонан бақувват, сабрли, иродали, ортиқча шикоят қилмайди, ўсшини истайди, гапларидан кўра сукути кўп нарсани ҳал қилади.

Абдуқодир Ҳусанов бу жараённинг энг ёрқин мисоли. Инглиз мухлислари ёктириши-нинг сабаби унинг фақат яхши ўйинчи экани-да эмас, балки майдондаги хатти-ҳаракатлари-нинг ўзига хослигида. Унда кераксиз финтлар йўқ, ҳиссиётга камдан-кам бериллади, ҳар бир ҳаракати мукамалликка яқин: аниқ, содда ва ўз вақтида. Англия футбол маданиятида бун-дай футболчилар қадрланади. Боиси, у ерда “ҳалол меҳнат” тушунчаси жуда муҳим. Ҳар беш дақиқада рақиб жамоаси мухлисларига қарата кўкрагига уриб юрадиган эмас, балки охириги дақиқага қадар юғурадиган футболчи ҳамма жойда ҳўрмат қилинади.

Илгари миллий ўзликини англаш жараёни ташқи қаршиликка жавоб сифатида шакл-ланган эди. “Бизни барибир тан олишмайди” деган ҳафсаласизлик илдизларни қуритаёт-ган миллатчилик характери озиқлантирар-ди. Бугун эса миллий ўзлик ички интизомга таянмоқда. Бу — етуклик белгиси.

Бундай метин характериинг пайдо бў-лишда, шубҳасиз, мамлакатимизда сўнгги тўққиз йилда қилинган салмоқли ишлар-нинг таъсири катта. Бу кичик даврда маҳал-лий чемпионатлар тизими ислоҳ қилиниб, болалар ва ўсмирлар академиялари ташкил этилди. 2017 йилда юртимизда ФИФА ҳамда Осиё футбол конфедерацияси талабларига жавоб берадиган майдонлар сони атиги 3 та эди. Бугун уларнинг сони ўндан ошди. Ушбу соҳа ривож учун жаҳоннинг нуфузли фут-бол клубларидан тренерлар, спорт тиббиёти ва фармакологияга бўйича малакали мута-хассислар, спорт психологлари жалб қилин-ди. Бу сазй-ҳаракатлар натижа бера бошлади.

Футбол бўйича олимпия терма жамоамиз ўтган йили Париждаги олимпиадада бирин-чи марта иштирок этди. Ўзбекистон ўсмир-лар терма жамоаси (U 17) ақл бовар қилмас йўлни босиб ўтиб, ўз тарихида учинчи марта Осиё чемпионати финалига чиқди ва галаба қозонди. Ўн уч йилдан сўнг тарихий нати-жани тақдорлаб, 2012 йилдан буён илк марта совринни боши узра баланд кўтарди.



Сўнгги тўққиз йилликдаги футболимиз, у яратаётган кайфият, чиқарилган қарорлар, умуман, футболга муносабат бўйича ўлчан-са, доим асосий мезон миллий жамоанинг жаҳон чемпионати финал босқичига чиқиши бўлган. Бошқача айтганда, мамлакат футбо-ли мазмуни ва моҳияти айнан мана шу мақ-сад атрофида қурилган, шу бўйича баҳолаб келинган. Демак, шу нуктаи назардан қара-ганда, 2025 йилда энг муҳим воқеа рўй бер-ди — жаҳон чемпионати йўланмаси қўлга киритилди. Ўтган йили қўйилган пойдевор баҳордаги қийин паллаларга ҳам дош берди.



Аввалига Сречко Катанец, кейин эса керак-ли пайтда энг муҳим ишни бажарган Темур Кападзе ҳеч қачон ўчирилмайдиган зарварақ-ларга ўз исмини ёзиб қўйди.

Бир йил олдин шу пайтларда Абдуқодир Ҳусановга “Манчестер Сити” қизиқётгани ҳақидаги хабарлар чиққанида кўпчилик бу воқеа рўй беришига ишонмаганди. Аммо бу содир бўлди. 2025 йил аввалида бутун дунё ўзбекистонлик ҳимоячи ҳақида билиб олди, ижтимоий тармоқлардан Ўзбекистон мил-лий жамоаси, Ҳусановнинг ўйинлари ҳақида маълумотлар қидирила бошланди. Ҳусанов февралдаёқ “Челси”га қарши дебют қилди, кейин қатор ўйинларда бошлангич таркиб-да тушиб, жамоа учун қийин даврда ўзини кўрсатди.

2025 йилда Абдуқодир Ҳусанов жами 19 ўйинда “Манчестер Сити” либосида кў-риниш берди. Англия кубогига “Лейтон Ориент” дарвозасига гол ҳам урди. Қилиан Мбаппе, Винисиус, Муҳаммад Салоҳ, Сон Ҳён Мин, Александр Исақ, Виктор Екереш каби номдор ҳужумчиларга қарши ҳаракат қилди. Энг муҳими, айнан 2025 йилда Ҳу-санов номи энди футбол олами учун бегона эмас, унинг устунликлари, камчиликлари маълум ва доим ҳимояни қулайтириш мақ-садига трансфер бозорига чиққан ТОП жа-моалар учун вариант сифатида тилга олина-веради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-146.
32015 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Одсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

боли ҳақидаги илиқ гапларини эшитиш ёқим-ли бўлди. Марко Матерацци ҳам мундиалда дўсти Каннаваро мурабийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоасига мухлислик қи-лишини айтди.

Миллий маданий коднинг ўзига хослиги — улкан ютуқ

Тарих қархпалаги айланаверади, тақдир халқлари бир-бирига уйқошиб ўтаверади. Футбол каби оммага таъсир этувчи спорт турлари эса бу оқимни халқ ёдида сақлайди. Инсоннинг руҳи ва танаси баравар камолга етгани каби халқ ҳам илм ҳамда спортдаги музаффариятлар йўлидан борса, орзу-умид-ларининг рўёбини кўраверади.

“Ўзиники ўзгача бўлади” деган ҳикмат рост экан. Футбол ўйини миллий кўринишда бўлиши баробарида моҳиятан умуминсоний-дир. Жаҳон чемпионати дейилган мезонда саноқдан қолиб кетиш — борсан-у йўқсан дегандай гап эди. Унга-ку йўлланма олинди, энди мезон жаҳоний даражага чиқишга кўч-ди. Айланаётган қарх гилдирагининг кўҳна товушида наватимиз келаётганига ишора-лар бор. Демак, уйғониш фаслини хотиржам ўтказиб юбориб бўлмайди.

Футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги бўлгуси иштирокимиз аллақачон бир мил-латнинг глобал майдондаги раамий чиқишига айланиб улгурди. Энди биз учун футбол ўйин-дан кўра кенгроқ маъно касб этаётир: у тобора жамият ўзини қандай қўриши ва бошқаларга қандай кўриниш беришини белгилочи иж-тимоий кўзуга айланиб бормоқда. Шу боис, футболдаги имиж масаласи бугун техник-так-тик масалалардан кам аҳамият касб этаётди.

Хорижлик томошабин ҳам, таниқли экс-перт ҳам бир жамоани эслаб қолишда таб-лодаги ҳисобдан кўра умумий таассуротга таянади. Шу маънода, “ёдда қолиш” тушу-начсига спорт социологиясида маънавий капи-тал сифатида қаралади. Қўварнали жиҳати, бу капитал йиллар давомида шаклланади ва кейинги авлодларга ҳам таъсир кўрсатади. Футболчи қаерда қай тарзда гапирарди, мағ-лубиятни қай ҳолатда қабул қилади, галаба онда ўзини қандай тутайди — буларнинг барчаси жамоавий ҳулқ-атвор моделига айла-нади. Жамият эса бу моделни ўзининг идеал қиёфаси сифатида қабул қилади.

Шу боис, юртимизда сўнгги йилларда футболчилар билан ишладда фақат жисмо-ний ва тактик тайёргарлик эмас, балки ко-муникатив маданият ва ахлоққа ҳам эътибор кучаймоқда. Бу спортимизнинг институцио-наллашув даражаси ўсганидан дарак.

Ўзбекистонда футболнинг ривожланиши мамлакат ичдаги кенгроқ ижтимоий-сисёий ва иқтисодий ўзгаришларини ақс эттируви стратегик ислоҳотлардан далолат беради. Давлатимиз 2016 йилдан ҳозирга қадар фут-бол секторини институционаллаштириш, профессионаллаштириш ва глобалашти-ришга катта сармоя киритди. Мамлакатим-изнинг спорт сисёати ҳамда ФИФА каби ташкилотларнинг халқаро ҳамкорлиги на-тижасида қўлаб-қувватланган жамоавий стадионлар, футбол академиялари ва ёшлар-ни ривожлантириш бўйича кучли дастурлар барқарор футбол экотизимига ҳисса қўйди. Ўзбекистонлик футболчиларнинг хорижий лигаларда пайдо бўлиши истеъдодлар камол топаётганини кўрсатибгина қолмай, мамла-катнинг жаҳон спорт майдонларида обрў-эътиборини ошириш воситаси сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Шу руҳда давом этаркан-миз, келгуси йилларда ФИФА жаҳон чемпио-нати каби йирик турнирларга йўлланма олиш жараёни бардавом бўлади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обуюани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳис: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза якуни — 20:35 Тошпирилди — 23:20